O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 17-fevral • Shanba • 21 (27.666) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## ДАСТУР ВА РЕЖАЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ — ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШДАН ИБОРАТДИР



*Инсонпарварлик, ўзгаларга меҳр-мурувват улашиш, муҳтожлар бошини силаб, зарур дамда ёрдам қўлини чўзишдек олижаноб фазилат бугун ҳаётимизда юксак қадрият даражасига кўтарилганини кўпдан-кўп мисоллар орқали кўришимиз мумкин.*

*Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш каби саъй-ҳаракатлар кенг қулоч ёзмоқда. Зеро, бундай эзгу ишларнинг замирида халқимизга хос улуғ туйғу, боқий фазилат мужассам.*

*Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйида шу кунгача кўплаб ўғил-қизлар тарбияланиб, мустақил ҳаётга йўлланма олишган. Бироқ, иккинчи жаҳон уруши йилларида қурилгани боис унинг биноси сўнгги йилларда анча таъмирталаб бўлиб қолган эди. Бундан икки йил аввал вилоят ҳокимлиги ва бир қатор ҳомий ташкилотлар саъй-ҳаракати билан ушбу меҳрибонлик уйи муҳташам бино ва мевазор боғга эга бўлди.*

*Бугун замонавий жиҳозланган синф хоналари, лингафон, энг сўнгги русумдаги компьютер зали бу ерда тарбияланаётган болалар ихтиёрида. Шунингдек, 120 ўринли ошхона, спорт зали, кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Меҳрибонлик уйида ўндан зиёд тўгараклар ҳам ташкил этилган.*

**Суратда:** 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари.
**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**

❖ **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ролини кучайтиришга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар. Уни мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 23 январда қабул қилган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ва унда 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўламини янада кенгайтириш, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган бир қатор устувор вазифалар белгилангани таъкидланди. Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ушбу соҳадаги ишларни изчил амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли, айниқса, беқиёс экани қайд этилди.

Юртимизда амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ошириш эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўз навбатида, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб бўғини бўлган маҳалланинг бугунги кундаги ролини ошириш, бунинг учун унинг қонуний асосдаги ваколатларидан янада самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳозир республикамизда 9 минг 941 фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг ночор қатламлари — муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш борасида маҳаллаларнинг роли тобора ошиб боряпти.

Ижтимоий ҳимоя тизимидаги самарадорликни оширишда жойларда ишсизлик муаммосини ҳал этиш масаласи ҳам долзарб вазифалардандир. Зеро, аҳоли бандлигини таъминлаш — ижтимоий ҳимоянинг муҳим шартларидандир. Шу боис бугунги кунда қишлоқ ва шаҳар маҳаллаларида фермерлик, тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятини кенг йўлга қўйишга эътибор қаратилмоқда. Табиийки, бу жараёнда маҳалланинг ташаббускор ва ташкилотчи бўлаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Анжуманда мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид ўттиздан зиёд қонун яратилиб, амалиётда кенг қўлланилаётгани қайд этилди. Бу соҳада ҳаёт тақозо этаётган янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини янада такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

❖ **ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти**

## ЁШ ФАОЛЛАР

Ёш етакчиларнинг қишки мактаби ўз ўқувларини якунлади. Унда Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг 17 нафар етакчиси ҳам фаол иштирок этди.

Тренинглар ниҳоясига етганидан сўнг уларни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов қабул қилди.

— Мамлакатимиз Президенти ёшлар масаласига алоҳида эътибор бермоқда, — деди у. — Чунки, мамлакатнинг келажагини сизнинг фаоллигингиз, доно ва зукколигингиз, ташаббускорлигингиз, Ватан равнақи учун астойдил мехнат қилишингиз белгилайди. Партиямиз ҳам юрагида ўти бор йигит-қизларга суянади. Сизлар юртимизнинг турли ҳудудларидан келгансиз, «Истиқбол» ёшлар қаноти ягона мақсад йўлида бирлаштиради. Бу тузилманинг ўз олдига қўйган мақсадларини масъулият билан адо этиш партиямизнинг ҳам манфаатларига хизмат қилади...

Шунингдек, партия раҳбари Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган Конституциявий қонунлар лойиҳаларининг мазмуни, ёшларнинг фаоллигини оширишдаги аҳамияти ҳақида ҳам батафсил тўхталди.

Ёшлар ҳам ўзлари олиб бораётган ишлар, жойларда кўтараётган ташаббуслари ҳақида гапириб бердилар.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

## ПЕШОНА ТЕРИ ВА ҚАТТИҚ МЕҲНАТ НАТИЖАЛАРИ

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида юртимизда амалга оширилаётган улуғвор ишлар замирида пешона тери ва қаттиқ меҳнат турганлигини алоҳида эътироф этди.***

● *2006 йилда аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида аниқ йўналтирилган самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида мақсадли умуммиллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига катта эътибор қаратилди.*

● Фақатгина «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижроси учун қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағи сарфлангани ҳам шундан далолат беради.

● *2006 йилда аҳоли бандлигини ошириш, халқимиз турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтириш йўлида сезиларли қадамлар қўйилди.*

*Барча тоифадаги ишчи-ходимларнинг реал иш ҳақи ўтган йилда 36 фоизга ўсди.*

● Мамлакатимизда қарийб 570 мингта иш ўрни яратилди. Айниқса, 2006 йилда йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиш негизида касаначилик фаол ривожланиб, бунинг натижасида 60 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

● Йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган ижтимоий ҳисоботлар натижаларига кўра, ўтган йили аҳолининг бандлиги 2,7 фоиз, шу жумладан, саноатда 9 фоиз ўсган, қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг сони эса 4 фоизга камайган.

● *Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатидан мутлақо янгича усуллари жорий этилди. Барча мактабларда меҳнатда ўрнак кўрсатган халқ таълими ходимларини рағбатлантиришга қаратилган мактаб директори фондлари тузилди ва ўтган йили шу фондлар орқали 190 минг нафарга яқин ўқитувчи рағбатлантирилди.*

● Биргина 2006 йилнинг ўзида 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 минг ўринли 124 та касб-ҳунар коллежи қуриб, фойдаланишга топширилди, 8,7 миллиард сўмлик ва 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ўқув-лаборатория жиҳозлари харид қилинди.

● *Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, мамлакатимизда спортни, биринчи галда, болалар спортини ривожлантириш, тиббиёт ходимлари ва ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш масалаларига катта эътибор қаратилди.*

❖ **Муносабат**

## ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

***Мустақиллигимизнинг ҳар бир кунини халқимиз фаровон келажаги сари қўйилган қадамлар билан қиёсласак, ўтаётган йилларнинг юртимиз тақдирида қолдирган ўрни ва аҳамияти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қиламиз. Президентимизнинг 2006 йил якунларига бағишланган маърузасини тинглаган юртдошларимиз кўнглидан кечаётган фикрларда ҳам самимий эътироф, ҳаёт ҳақиқатлари билан уйғун хулосаларни ҳис қиламиз.***

**Наргиза УМАРОВА, Президент стипендияси соҳиби:**

— Юртбошимизнинг биз ёшлар ҳақида билдирган фикрларидан жуда ғурурланиб кетдим. Тўғриси, мамлакатимизда яратилаётган шарт-шароит, кўрсатилаётган моддий ва маънавий рағбат биз ёшларни юксак марраларни эгаллашларига далда бўлмоқда. Биргина ўзимни олсам, мен Президент стипендиясининг 2007 йилдаги совриндори бўлдим. Бу мен учун нафақат моддий, балки катта маънавий рағбат ҳамдир. Бу эътибор менда ўзимга бўлган ишончни янада кучайтирди, руҳлантирди.

Менимча, тенгдошларимиз яратилган шарт-шароитларни ўзлари учун катта имконият деб билсалар, буни ҳис этсалар қатъият билан интиладилар.

**Олимжон ЖАКБАРОВ, Наманган вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:**

— Ўтган 2006 йилда республикамизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласида жуда катта ишлар амалга оширилди. Биргина вилоятимизда пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 882 нафар ногиронга реаблитация ҳамда протез-ортопедия маҳсулотлари берилди, 223 мингдан зиёд кам таъминланган оилаларга 514 миллион 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, 2007 йилда ҳам инсон ҳаёти учун муҳим бўлган соҳалар — ҳаёт даражасини кўтариш, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, одамларнинг кайфиятига таъсир этадиган ижтимоий масалаларни ечишга алоҳида аҳамият берилиши шубҳасиз. Инсон манфаати улуғланаётган жойда яшаш табиийки, одамларда келажак, эртанги кунга янада ишонч уйғотади.

**Ҳимматой АЛЛОЁРОВА, Денов туманидаги «Чўнтош» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузаларида қишлоқларни обод этиш асосида қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш вазифалари доимий эътибор марказида туриши шарт, деб алоҳида таъкидладилар. Ҳудудимизда уч мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Тан олиб айтиш керакки, маҳалламиз йилдан-йилга чирой очмоқда. Ўтган йили замонавий идора қурилди. Кўчалар обод бўлди. Уч километрга яқин йўл асфальтланди. Мактабимиз ҳам қайта таъмирланди. Маърузада айтилганидек, 2007-2010 йилларга мўлжалланган ягона дастур ишлаб чиқилса, қишлоқларимиз ҳам янада ободонлашиб, чиройи очиб, ривожланиб боради.

Шуни ҳам айтишим керакки, бу улуғ режалар бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди. Бу ишларда биз ҳам фаол қатнашишимиз керак.

**Йўлдошбой ҚУРБОНБОЕВ, Ҳазорасп тумани Питнак шаҳридаги 17-мактаб директори:**

— Президентимиз барча соҳалар қатори халқ таълимида олиб борилаётган ислоҳотларга ҳам алоҳида тўхталдилар. Ҳақиқатдан ўтган бир йил давомида тизимда беқиёс ишлар амалга оширилди. Биргина умуммиллий дастур доирасида олис туман мактаблари ҳам қамраб олинганининг ўзи соҳада муҳим ўзгаришлар бўлаётганини кўрсатади. Шунингдек, мактаб директори фондининг тузилиши ҳам тизимдаги энг катта ютуқлардан бири бўлди. Бундан бугун барча ўқитувчилар миннатдор. Ишига қараб рағбатлантирилиши уларни янада фаол бўлишга, изланишга, интилишга ундамоқда. Буни ўз фаолиятимда кузатдим. Бугун ўқитувчилар ўз касбининг ҳақиқий фидойисига айланди, десам муболаға бўлмайди.

Бу ўзгаришларнинг асосий сабаби — мамлакатимизда ўқитувчи касбининг улуғланаётгани, ўқитувчининг ҳақиқий маънода қадр топаётгани билан боғлиқ. Таълим соҳасига бунчалик жиддий эътибор бежиз эмас, албатта. Биз ўқитувчилар, мактаб зиммасида келажак авлод тарбиясидек ўта нозик ва муҳим вазифа турганлигини унутмаслигимиз керак.

2-бет

## ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш долзарб масалалардан бири. Кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан бир қатор ибратли ишлар бажариляпти. Хусусан, ўтган йили Шўрчи тумани ҳудудида анча вақтдан бери ишламай яроқсиз ҳолга келиб қолган 16 та артезиан қудуғи таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун ҳомийларнинг 40,2 миллион сўм маблағи сарфланди. Бундан ташқари, иккита янги артезиан қудуғи қазилиб, аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Туман ҳудудида тоза ичимлик суви муаммосини ҳал этишда бултур «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан ажратилган ҳомийлик маблағи ҳисобига 2,6 километр масофага сув қувурлари ётқизилиб, кўпгина хонадонларнинг ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Туманда аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бу йил ҳам соҳада талай ишларни амалга оширишни режалаштирганлар.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ**

O`zbekiston
havo yo`llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

Муносабат

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Янги жамият қуриш... Демократик ҳуқуқий давлат тузиш... Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш... Эҳ-ҳее, нечоғли мушкул йўллару нечоғли олис манзиллар кўринганди ўн беш йил муқаддам бу вазифалар, бу мақсадлар...

Яширишга не ҳожат, шубҳа қилганлар, саросимага тушганлар, иккиланиб қолганлар бўлди, ўшанда. Иғво қилганлар, истеҳзоли кулганлар, борингки, ҳатто «пистирма»да туриб «тош» отганлар ҳам бўлди... Ҳаммаси ёдимизда, ҳаммаси кўз ўнгимизда ҳали-ҳали...

Лекин биз журъату жасорат билан мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос янгиланиш ва тараққиёт йўлини изладик. Энг аввало, аҳоли ҳаётининг миллий тарихий хусусияти, тафаккур ва турмуш тарзи, халқ анъаналари ҳамда урф-одатлари, кўп миллатли республиканинг ўзига хос жиҳатларини «тарози»га қўйиб, қилажак барча саъй-ҳаракатларимиз тамойилларини қидирдик. Очиғи, давлатимиз раҳбари журъати ва ташаббуси билан майдонга ташланган машҳур беш тамойил — бошлаган ҳамма ишларимизга асосий пойдевор, асосий дастуриламал бўлди. Уларнинг маъно-мазмуни-ю мақсад-маслаги **«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик»** сингари жаҳон тан олган (кўплаб хорижий тилларга таржима ҳам қилинган) ўнлаб китобу рисолаларда бот-бот баён этилди, ривожлантирилди.

Жумладан, улардан бирида жамики муддаоларимиз (**«Биздан озод ва обод Ватан қолсин»** китоби, Т-2, Т., 1996. — 335-бет): **«... устувор мақсадларимизни унутмасдан, йўлимиздан адашмасдан, халқимизнинг ҳаёт даражасини назарда тутиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъмин этган ҳолда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишдир»,** — деб таърифланди. Таърифнинг мантиғи зарби тушаётган нуқталарга алоҳида эътибор беринг: устувор мақсадлар йўлидан адашмай, халқ ҳаёти даражасини назарда тутган ҳолда аҳолининг **ижтимоий ҳимоясини таъминлаш...**

Эсингиздами, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатнинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида (1997 йил, 26 февраль) сўзлаган нутқида ҳам айтган эдилар: **«... 1997 йилни Инсон манфаатлари йили деб белгилаганимиз, биз Ўзбекистонда бу муҳим масалани ҳал этишга эндигина киришаяпмиз, деган фикр туғдирмаслиги лозим. Биз илгари ҳам, яъни бутун ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига катта аҳамият бериб келганмиз».**

Дарвоқе, мамлакатимизда йилларга ном бериш бошланган (ва эндиликда у анъанага айланган) ўша 1997 йилдан бу ёғини ҳам ёдга олинг: 1998 — Оила йили, 1999 — Аёллар йили, 2000 — Соғлом авлод йили, 2001 — Оналар ва болалар йили, 2002 — Қарияларни қадрлаш йили, 2003 — Обод маҳалла йили, 2004 — Меҳр ва мурувват йили, 2005 — Сиҳат-саломатлик йили, 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили, 2007 — Ижтимоий ҳимоя йили... Ҳаммасининг замирида Инсон ҳаёти, турмуши, унинг ижтимоий ҳимояси ётибди. Унинг орзу-ниятлари, дарду ташвишлари доим давлат ва жамият эътиборида бўлиб келаётганидан далолат бераяпти. Чунки, барчасини бирлаштириб турган ягона, умумий бир ўлчов — одамларнинг ижтимоий турмуши муҳофазаси намойиш топмоқда... Демакки, **ижтимоий ҳимоя** бир ёки икки-уч йиллик мавсумий тадбир эмас, балки узоқ давом этгувчи мураккаб жараён бўлиб, айни пайтда ниҳоятда хайрли, савобли ишдир ҳам.

Айни шу хайр ва савоб тўла ишларимиз режалари 2007 йил истиқбол кўрсаткичларида янада яққолроқ акс этгани, мақсадимиз — халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш эканлигидан ойдин далолат. Масалан, ўтган йил охирида мамлакатимизда ўртача реал иш ҳақи 185 минг сўм (ёки салкам 150 АҚШ доллари) миқдорида бўлган бўлса, жорий йилда у ўртача иш ҳақининг камида учдан бир миқдорига ошадиган бўлаяпти. 2010 йилга бориб эса (яъни, яқин уч йил ичида) 2,5 бараварга кўпайиши кутилмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуши сифатини оширишга йўналтирилган кичик бизнесни, тадбиркорликни, касаначиликни жадал ривожлантириш алоҳида эътиборга олинган.

Жойларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш ҳамда замонавий техника билан жиҳозланган, хомашёни, айниқса, чорвачилик ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик хусусий корхоналар бунёд этиш режалари асосида ҳам имкон қадар аҳолининг ижтимоий ҳимояси муаммоларига оқилона ечимлар изланаяпти.

2007 йилда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғин — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига алоҳида аҳамият қаратилаяптики, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йил охирига қадар 45 фоизга (2010 йилга бориб 50-52 фоизга) етказилиши мўлжалга олинган. Бу эса уларда маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини ҳозирги 11 фоиздан бир неча ўн баробарга ошишини таъминлаши, шубҳасиз. Шунингдек, хусусан, қишлоқ жойларда бандлик муаммосини ҳал этиш йўлида хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга ҳам кенг эътибор берилади. Пировардида, соҳанинг ЯИМдаги улуши 42-43 фоизгача етиб, хизматларнинг янги, замонавий турлари жорий топади. Амалдаги қонун ҳужжатларига ҳудудлар бўйича меҳнат билан банд бўлмаган ва ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли тоифаларини аниқ белгилайдиган ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилади. Улар Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) томонидан белгиланган норма (меъёр)лардан келиб чиқан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Банк — молия тизимида ҳам ислоҳотлар кўлами янада чуқурлашиб, яқиндагина ташкил этилган ва шу қисқа давр ичидаёқ аҳолига, кичик бизнес субъектларига 25 миллиард сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратган 1800 тадан ортиқ минибанклар тармоғи янада кенгаяди. Бу эса — 2007 йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояси йўлида уларга ажратиладиган микрокредитлар салмоғи ҳам ошади, дегани.

Истеъмолчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини ихчамлаштириш, сифатли, узлуксиз иссиқлик ва иссиқ ҳамда совуқ сув таъминотини яхшилаш учун эса мазкур соҳа корхоналари масъулиятини ошириш, айни пайтда уларнинг ходимлари меҳнатини ҳам рағбатлантиришнинг аниқ механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор берилади.

Буларнинг ҳаммаси, табиийки, мустақилликнинг илк дамларидан бошлаб, Инсон манфаатлари ва унинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашни амалга ошириш йўлида Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг изчил, мантиқий давомидир.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

# ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати ташаббуси билан барча маҳаллий партия кенгашлари ҳузурида жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилганига бир йилдан ошди. Қисқа вақт ичида уларга кўпчиликнинг ишончи ортди. Бухоро вилоятида ҳам бугунги кунда 13 та ана шундай қабулхона фаолият кўрсатяпти.

— Очиғини айтадиган бўлсак, — дейди вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов. — Жамоатчилик қабулхоналари номига ташкил этилмаган. Бу ерга умид билан келишаяптими, демак уларга кўмак беришимиз керак. Депутатлар билан ҳамкорликда муаммолар ечимларини излаяптилар ва бу борада муайян натижаларга эришаяпти.

Дарвоқе, ўтган бир йил мобайнида жамоатчилик қабулхоналарига қарийб 700 та мурожаат бўлган. Улардан кўпчилиги ижобий ҳал қилинган. Мурожаатлар мундарижасини асосан иш билан таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, коммунал соҳа муаммолари, ер олишга кўмаклашиш масалалари ташкил этади. Бухоро шаҳрида яшовчи якка-ёлғиз нафақахўр Бахшанда Авезова шаҳар партия кенгашига шахсий масалада ёрдам сўраб мурожаат қилди. Халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати, ЎзХДП аъзоси Раҳим Жўраев ҳомийлигида унинг талаби қондирилди. ХДП Бухоро туман кенгашига мурожаат қилган Қаволамаҳмуд қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Муғалон қишлоғида яшовчи фуқаро Исом Рўзиев анчадан буён ер участкаси ололмай оворалигини баён этган. Туман партия кенгашининг аралашуви ва тегишли идораларнинг ёрдами билан масала ижобиий ҳал этилди. Ёки Вобкент туманида яшовчи бир гуруҳ партия фаоллари туманда табиий газ таъминотидаги узулишларни бартараф этишга кўмаклашишни сўрагандилар. Бу масала кейинги 3-4 ойда батамом ҳал бўлди: 16 чақирим жойга газ қувури янгидан тортилди.

— Жамоатчилик қабулхоналарини очишдан мақсад, — дейди Ғиждувон туман партия кенгаши раиси Баҳодир Истамов, партиядошларимизни қийнаётган муаммоларни имкон қадар енгиллаштиришдир. Буни ЎзХДПдан сайланган депутатлар ҳам англаб олишяпти.

Дарҳақиқат, шундай. Яқинда вилоят партия кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонасига бир қиз кириб келди. У раисни йўқлаб келганини айтди. У ўзини Зуҳра Мирожева деб таништирди. Бухоро туманидаги Сарҳанг қишлоғида яшар экан, шеърларини саралаб нашриётга топширмоқчи бўлибди. Аммо маблағни қаердан олсин? Шу муаммо билан вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраевага учрашган, бу шоира қизга амалий ёрдам кўрсатилган. Китобни нашр эттиришга ҳомий топишга ёрдамлашилган. Энди унинг шеърлар тўплами «Бухоро» нашриётида чоп этилади.

— Биласизми, — дейди у қувончини яширолмай, — мен ЎзХДП аъзоси бўлишга қарор қилдим. Сабаби бу партия биз, ёшларни, хусусан кам таъминланган оилалар, ногиронларнинг манфаатини ҳимоя қиларкан. Бунинг устига улар орзуларим рўёбга чиқишига ёрдам кўрсатишди. Шунга миннатдорчилигимни изҳор этгани келгандим...

Ўз сафларида 26 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган вилоят партия ташкилоти ўзининг жойлардаги таянч бошланғич ташкилотлари фаолиятини жонлантириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Энди мавжуд 240 та бошланғич партия ташкилоти партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқишини таъминлашда бош омил деб қаралаяпти. Шу билан бирга партия вилоят, туман кенгашлари ҳузурида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналарида ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кўп болали оилаларнинг манфаатларини ҳимоялаш, ҳуқуқий маслаҳатлар берадиган марказларни очиш тадбири ҳам кўриляпти. Бунда Жамоатчилик қабулхоналарининг ХДПдан сайланган барча депутатлар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаяпти.

**Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



# «ОЙДИНБУЛОҚ»ДА ЯНГИ ТИББИЙ МАСКАН

Яқинда Избоскан туманидаги Урганжи қишлоғи аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Ойдинбулоқ» қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уч ярим минг аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатувчи ушбу шифо масканы қисқа муддатда «Андтехназ» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди.

Айни пайтда туманда 265 нафар шифокор, 1053 нафар ўрта тиббиёт ходими, шунингдек, 28 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда.

***Суратларда:*** *ҳамшира Моҳидил Раҳмонова; ҚВПнинг умумий кўриниши.*

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**



Ижтимоий ҳимоя

# МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Тақдир экан, болалигимдаёқ ҳаётнинг оғир синовлари бошимга тушди. Ота-она меҳрини-ку қўяверинг, ҳатто уларни эслолмайман. Кейинчалик ҳаётим Жиззах шаҳридаги 29-«Меҳрибонлик» уйи билан боғланди. Шунинг учун ўз уйим, ота-онам деганда ҳар гал ана шу даргоҳни, унда ишлаётган ширинсўз, меҳри дарё инсонларни кўз олдимга келтираман.

2006 йилда 9-синфни тамомлагач, олдимда мустақил ҳаёт йўлини танлаш, яъни ўқишга кириш, касб-ҳунар эгаллаш масаласи кўндаланг бўлди. Ҳеч кимим йўқлиги учун аввалига шошиб қолдим. Шунда менга қадрдон бўлиб қолган «Меҳрибонлик» уйим, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбарлари, қолаверса, ўз Дастурига **«Партия Ўзбекистондаги сиёсий кучларининг сўл қаноти ва бундан буён мамлакат аҳолисининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади»** деб ёзиб қўйган ЎзХДПнинг вилоят кенгаши мадад қўлини чўзди. Уларнинг кўмаги билан шу йили Зомин тиббиёт коллежининг ҳамширалик бўлимига ўқишга кирдим.

Бугун шуни қувониб айтмоқчиманки, юртимиздаги минглаб, миллионлаб тенгдошларим каби бахтиёрман. Ўзимга ёққан, ўзим танлаган касбим бўйича таълим олаяпман. Бунинг учун мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсатдан, мен каби кўмакка муҳтожлар манфаатларини ҳимоя қилаётган юртдошларимдан чексиз миннатдорман. Мақсадим — яхши мутахассис бўлиб етишиш, давлатимиздан, одамлардан кўрган яхшиликларни қайтариш, муносиб фарзанд бўлиб юртимга хизмат қилиш.

**Дилдора НУРОВА, Зомин тиббиёт коллежи ўқувчиси**

# НУРОНИЙЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

***Тахиатош шаҳридаги фахрийлар сиҳатгоҳи кўп йиллардан буён фахрийларга беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ерга асаб тизими ва суяк-мушак хасталикларига чалинганлар шифо истаб келишади.***

— Сиҳатгоҳимиз сўлим гўшада жойлашган, — дейди бош врач Жумагул Алиева. — 75 ўринга эга сиҳатгоҳимизда ҳар йили бир ярим мингга яқин фахрийлар дам олиб, саломатлигини тиклайди. Мажмуада барча керакли тиббий асбоб-ускуналар мавжуд бўлиб, малакали шифокорларимиз доимо беморлар хизматида.

Шуниси аҳамиятлики, «Ижтимоий ҳимоя йили»да сиҳатгоҳ маъмурияти қўшни Хоразм вилояти фахрийлари учун ҳам 25 та қўшимча ўрин ажратди.

— Пойтахт ёки бошқа вилоятлардаги сиҳатгоҳларга бориш биз кексаларга осон эмас, — дейди урганчлик меҳнат фахрийси Жуманиёз Бекмонов. — Бу ердаги шарт-шароитлар кўнгилдагидек экан. Дам олиб, соғлигимни тикладим, шундай имкониятларни яратганлар кам бўлишмасин.

**Рўзимбой ҲАСАН**

Мулоҳаза

# ТИЛИМИЗ КЎЗГУСИ

## ЁКИ АЙРИМ РЕКЛАМАЛАР МАТНЛАРИ АДАБИЙ ТИЛ МЕЪЁРЛАРИГА МОС КЕЛМАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Бугун ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотини кўргазмали қуроллар ёрдамида матбуот, телевидение, радио орқали тарғиб қилиши кучаймоқда. Реклама нафақат маҳсулотни тарғиб қилувчи восита, балки ишлаб чиқаришдаги муайян ютуқларни намойиш этувчи, аҳолига маълум маънода ахборот етказувчи, инсоннинг руҳий-интеллектуал ҳолатига тез таъсир этувчи, она тилимиз имкониятларини ўзида акс эттирувчи тезкор омил ҳисобланади.

1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди, шунингдек, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, унга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Айни пайтда ушбу қонун мамлакатимизда реклама тайёрлаш ва тарқатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, реклама материаллари асосан давлат тилида, реклама берувчи томоннинг хоҳишига асосан рус, инглиз тилларида оммавий ахборот воситалари, кўргазмали воситалар, адабиётлар орқали тарқатилиши мумкин.

Реклама бериш воситалари ранг-баранг. Масалан, бугунги кунда кўчалардаги афишалар, нашрий адабиётлар, ОАВ орқали эълон қилинаётган турли хизматлар ёки маҳсулотлар рекламаси, гастроль-концерт, кино ва видео, ижтимоий муҳофаза ҳамда огоҳликка даъват этувчи рекламалар мавжуд. Улар маҳсулотни танлашда ёрдам бериш билан бирга руҳий ҳолатимизга, нутқ маданиятимизни оширишга ҳам маълум маънода таъсир қилади. Ҳар жиҳатдан мукаммал, безакли, бежирим, адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда тайёрланган рекламалар инсон руҳиятига нафақат тез таъсир этади, керак бўлса, ҳордиқ чиқаришига ёрдам беради.

Тўғри, бугун ҳар томонлама мукаммал ишланган реклама роликлари жуда кўп. Лекин ўзбек тили қонун-қоидаларига нисбатан бефарқ ва беписанд муносабатда бўлаётганлари ҳам йўқ эмас.

Масалан, шаҳарларимиз кўчалари, турли майдонлар, муассаса, ташкилотлар бинолари пештоқларида осилган рекламалардаги матнларнинг услубий ва имловий хатолар билан ёзилаётганлигига эътибор қаратайлик. Биринчидан, уларнинг кўпчилигида танланган расм ва ранглар эътиборни тортмайди, ёзувлари ҳам кўринарли эмас.

Ҳозирги кунда энг кенг тарқалган реклама воситаси — бу ТВ, радио ва матбуот ҳисобланади. Бугун республикамиздаги мавжуд давлат телерадиокомпаниялари ва нодавлат студиялари орқали ҳар куни, қонунда белгиланган ҳажм ва муддатда кўплаб рекламалар эфирга узатилмоқда, газеталарда эълон қилинмоқда. Ушбу воситалар аҳолининг жуда катта қатламини қамраб олганлиги боис уларга бир қатор талаблар қўйилади.

Маълумки, реклама тайёрлашда маҳсулот ёрқин, чиройли, таъсирчан ролик (кўргазмали лавҳа ёки эшиттириш) орқали берилиши, овоз аниқ, равон бўлиши, матн ўзбек тили қонун-қоидаларига тўла мос келиши керак. Лекин...

Шу ўринда баъзи бир реклама роликларини таҳлил қилиб кўрсак. Масалан, «табиий» сўзининг йирик ҳарфлар билан «Табий» деб нотўғри ёзилиши **(«Табий тинчлантирувчи восита», 2006 йил 26 декабрь),** «-нчи» қўшимчасининг ортиқча қўлланилиши **(«Dekabrning 1-chi mashinasi», 2006 йил 10 декабрь, соат 20.00),** тутуқ белгисининг нотўғри ишлатилиши **(«a'lo o'yinchi», 2006 йил 16 декабрь, соат 19.00),** «х» ва «ҳ» ҳарфларининг фарқланмаслиги **(«жигар химояси учун самарали восита», 2007 йил 5 январь, 20.10)** ва шу каби ҳолатларга ҳар куни 2-3 мартадан дуч келиб турибмиз. Энг ёмони, услубий хато билан берилаётган рекламалар ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Масалан, **«газета ва журналларни (нинг) чакана савдоси»** каби.

Айрим нашрларда ҳам чучмал жумлалардан иборат реклама матнлари босилмоқда. Айниқса, «ни» билан «нинг» ёки «х» билан «ҳ» ни фарқламаслик кўп учрамоқда.

Реклама воситаларидан яна бири — маҳсулот ҳақидаги маълумотлар ёзуви ёки эслатмадир. Уларнинг кўпчилиги ҳам имловий, ҳам услубий камчиликлардан холи эмас. Турли ичимликларга ёпиштирилган ёзувлардан ҳам истаганча хато топиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, соҳада ютуқлар кўп, лекин муаммолар ҳам етарли. Айниқса, рекламанинг маънавий-маърифий жиҳатларига эътиборни кучайтириш лозим, деб ўйлаймиз. Албатта, бу каби камчиликлар мутахассис таҳлили, назорати, ёрдами билан бартараф этилиши мумкин. Фикримизча, бунинг учун реклама роligини тайёрловчи гуруҳ таркибига мутахассис-тилшунослар ҳам жалб этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, реклама хусусиятларини ўрганиш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, бунинг учун соҳа мутахассислари тайёрлашни кўпайтириш керак деган фикрдамиз.

Мавжуд камчилик ва муаммолар ҳақида гап кетганда сансалорлик қилмай, айбни бошқаларга ағдаришга уринмай, мутахассислар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда она тилимиз нуфузи учун қайғуришимиз лозим бўлади. Бу ишга ҳар биримиз ўзимизни масъул ҳисоблашимиз зарур. Ана шундагина реклама ҳам тилимиз кўзгусига айланади, маънавиятимиз, маърифатимиз юксалиши йўлида хизмат қилади.

**Мажидхон УСМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Абдували АБДУСАИДОВ, филология фанлари доктори, профессор**






# СПОРТ — ТОБЛАЙДИ, ЧИНИҚТИРАДИ, ЭЛГА ТАНИТАДИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан бери ўтган салкам беш йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманлари, қишлоқ ва овулларида кўплаб спорт мажмуалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Спорт заллари ва майдонлари реконструкция қилинди. Айниқса, жамғарманинг Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилгани спортни янада оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар изчиллигини таъминлади.

— Фарзандларимизни салбий ва зарарли одатлардан асрашда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти нечоғли катта эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, — **дейди Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Бухорбай ҚАЛАБАЕВ.** — Бир пайтлар замонавий спорт мажмуалари, сув ҳавзалари, кўркам стадионлар, теннис кортлари болаларимиз учун фақат орзу эди. Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилгач, кўп йиллик умидлар рўёбга чиқди. Сўнгги уч-тўрт йил ичида республикада бешта янги спорт мажмуи, Нукус шаҳрида ёпиқ спорт манежи, Амударё, Кегайли, Хўжайли туманларида I-ТИП болалар спорт мажмуалари ва ўнга яқин бошқа спорт иншоотлари қуриб, фойдаланишга топширилганлиги ҳам сўзимиз исботидир. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида Беруний туманидаги 67-сонли мактаб қошидаги V-ТИП болалар спорт мажмуида 175 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 12,5 миллион сўмлик спорт анжомлари билан жиҳозланди.



Тахтакўпир, Тўрткўл туманларидаги болалар спорт зали ва майдончаларини қайта таъмирлаш учун ҳар бирига 25 миллион сўм ажратилди. Унинг ҳар бири 16,8 миллион сўмлик спорт анжомлари билан жиҳозланди. Хўжайли туманидаги I-сонли республика Меҳрибонлик уйида ёпиқ сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Жамғарма томонидан кам таъминланган оилалар фарзандларига 100 миллион сўмлик спорт кийимлари олиб берилди. Лойиҳа-сметадаги 2006 йилги манзилли дастурга киритилган спорт объектларини жиҳозлаш учун 155 миллион сўм ажратилди.

Болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам давом эттирилади.

Хўш, барпо этилаётган спорт иншоотларида қандай тадбирлар ташкил қилинмоқда? Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Бу ҳақда **Қорақалпоғистон Республикаси «Ёшлик» болалар спорти жамияти раиси ўринбосари Ўринбасар ТЎЛЕГЕНОВ** шундай дейди:

— Болалар ва ўсмирлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш борасида аниқ дастур ва чора-тадбирлар белгилаб олганмиз. Жумладан, дастур асосида мактаблар ва мактабгача таълим-тарбия муассасаларида жисмоний тарбия дарсларида миллий ҳаракатли ўйинлар, енгил атлетика, бадиий гимнастика машғулотларини кўпроқ ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон чемпионати ва биринчиликларига спортчиларни саралаш мақсадида миллий кураш, эркин кураш, дзюдо, бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, каратэ, таэквондо, оғир атлетика, муай-тай турлари бўйича мунтазам мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Бу эса ўз самарасини бераётир. Жумладан, ўтган йили Қарши шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика финал босқичида қорақалпоғистонлик футболчилар кумуш медалга сазовор бўлди. Баскетбол (қизлар) ҳамда волейбол (ўғил болалар) баҳсларида фахрли учинчи ўринни олган бўлсак, бадиий ва спорт гимнастикалари бўйича Қорақалпоғистон ёшлари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Якунда республикамиз терма жамоаси 15 та кумуш, 26 та бронза, жами 41 та медаль билан умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни қўлга киритди.

Яқинда «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақасининг республика босқичи ниҳоясига етди. Уч босқичда уюштирилган мусобақада Нукус туманининг «Оқманғит» жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган IV босқич баҳсларига йўлланма олди.



Қисқа қилиб айтганда, болалар спортига эътибор тобора ортиб бормоқда. Бунга жавобан фарзандларимиз ҳам спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, ўзларининг маҳоратларини оширмоқдалар. Бугун қорақалпоғистонликлар воҳамиздан кейинги йилларда етишиб чиққан муай-тай бўйича жаҳон чемпиони Азиз Ешниязов, оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони Бахтиёр Нуруллаев, кураш бўйича жаҳон чемпиони Низамитдин Хўжабоев, самбо бўйича жаҳон чемпиони Азамат Турдахов, эркин кураш бўйича Осиё биринчилиги ғолиби Баҳром Эрматов, эшкак эшиш бўйича Осиё чемпиони Баҳодир Давлетияровлар билан ҳақли равишда фахрланадилар.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратларда:** *Беруний туман болалар спорт мажмуасидан лавҳалар.*

# «Б» ҲАРФЛИ АЙЛАНМА КРОССВОРД

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида: 1. Давлат рамзи. 2. Африка саванналарида ўсувчи, улкан дарахт. 3. Милтиқ тури. 4 Нефтдан олинадиган ёқилғи. 5. «Алпомиш» достони қаҳрамони. 6. Амир Темур даврига мансуб бўлган ўзбек уруғи. 7. Миниатюра рассомлик санъати намояндаси, Алишер Навоий замондоши. 8. Саҳроларда кўчиб юрувчи қум тепа. 9. Йўл-йўл тусдаги чопон. 10. Қамишсимон бўғимли, тез ўсувчи жануб ўсимлиги. 11. Тошкент ҳудудидаги туман. 12. Осиё билан Шимолий Америка оралиғида жойлашган бўғоз. 13. Баҳорнинг илк чечаги. 14. Европадаги давлат пойтахти. 15. Ливаннинг бош шаҳри. 16. Рўзғор буюми. 17. Кибернетика соҳаси, организм тузилиши ва фаолиятини ўрганувчи фан. 18. Сайроқи қуш. 19. Атмосфера босимини ўлчаш асбоби. 20. Нисбатларнинг миқдорий ифодаси. 21. Ўрта аср қомусий алломаси. 22. Данаксиз қуритилган мева. 23. Осиёдаги давлат пойтахти. 24. XIX асрда яшаб ўтган вирусли гепатит, юқумли сариқ касаллигини аниқлаган рус шифокори. 25. Француз кимёгар олими. 26. Гулга шайдо қуш, 27. Шимолий Ирландиянинг бош шаҳри ва порти. 28. Американлик ихтирочи номи билан аталувчи металл. 29. Украиналик тўпурар, футбол мураббийи.

**Муаммонома:** Шакл айланаларидаги рақамларда учта ҳикмат яширинган. Аввало қуйидаги очқич сўзларни топиб, улар асосида билиб олинг.

1. Кузда пишадиган мева — 2, 17, 20, 4.
2. Газлама сотувчи савдогар — 2, 1, 11, 11, 7, 11.
3. Куй ижодкори — 2, 1, 5, 10, 1, 18, 7, 13.
4. Чой нави — 2, 1, 22, 9, 17.
5. Полиз неъмати — 2, 7, 3, 13, 4, 6, 15.
6. Мевазор ва гулзор маскани — 2, 7, 12.
7. Ўрта аср инглиз файласуфи, табиатшунос — 2, 16, 18, 7, 6.
8. Йиртқич — 2, 14, 13, 4.
9. Зилзила ўлчов бирлиги — 2, 1, 8, 8.
10. Ҳадлар деб аталадиган икки алгебрик ифоданинг айирмаси ёки қўшилмаси — 2, 4, 6, 7, 19.
11. 1612-1616 йилларда шимолий-ғарбий сув йўлини топиш мақсадида денгизда сузган инглиз, Арктика тадқиқотчиси — 2, 7, 21, 4, 6.

**Фозилжон ОРИПОВ тузди**



## КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

*(газетанинг 2007 йил 10 февраль сони)*

**Энига:** 5. «Роҳат» 7. Луғат. 9. Радио. 15. Иншо. 17. Газли. 19. Зулук. 26. Жийда. 28. Палос. 30. Нукус. 36. Орзу. 38. Волга. 40. Пойга. 42. «Наво» 47. Дидро. 49. Темир. 51. Милод. 57. Шойи. 59. Взвод. 61. Регби. 63. Нота. 68. Тоифи. 70. Тулки. 72. Ручка.

**Бўйига:** 1. Оҳор. 2. Ўғир. 3. Адиб. 11. Финал. 12. Вазир. 13. Малак. 14. Рақам. 22. «Сайҳа». 23. Авлод. 24. Никоҳ. 32. Варна. 33. Ралли. 34. Рейка. 35. Савоб. 43. Радон. 44. Олмос. 45. Атлас. 53. Риони. 54. Ҳавза. 55. Тугун. 56. Олтин. 64. Айиқ. 65. Аъло. 66. Кеча.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 4. Зарафшон. 6. Киловатт. 8. Параметр. 10. Тегирмон. 16. Регистон. 18. Розмарин. 20. Ботаника. 25. Ложуворд. 27. Репортаж. 29. Конгресс. 31. Муассаса. 37. Аквариум. 39. Дипломат. 41. Ҳандалак. 46. Андерсен. 48. Истеҳком. 50. Арматура. 52. Босволди. 58. Новшадил. 60. Сарпарда. 62. Санскрит. 67. Истанбул. 69. Антрацит. 71. Наршахий. 73. Наманган.

❖ **Интер-спорт**

## МУРАББИЙ ЎЗ ЎРНИНИ ТОПДИ



Таниқли футбол мураббийларидан бири Клаудио Раньери тўрт йил мобайнида Лондоннинг «Челси» клубини бошқарган эди. Италиялик бу мураббий 2004 йили «Челси»га Роман Абрамович соҳиблик қила бошлаганидан кейин жамоа билан хайрлашиб, икки йилча фаолият кўрсатмади. Мана энди у Италиянинг «Парма» клубига таклиф қилинди. Бу клуб эса мамлакат чемпионатида сўнгги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. «Парма»нинг «Рома» жамоаси билан учрашувда мағлубиятга (0:3) учраши клубни бошқариб турган Стефано Пьоли ўрнига Раньерининг тайинланишига олиб келди. 55 ёшли Раньери мураббийлик фаолиятини 1975 йилда бошлаб, Италиянинг «Кампания», «Кальяри», «Наполи», «Фиорентина» жамоаларини бошқарган. Мамлакат кубоги ва супер кубогини қўлга киритишга эришган.

## «ЕВРО-2008»ДАН ФОЙДА КУТИШ ҚИЙИН



2008 йили ўтказилиши кутилаётган футбол бўйича Европа чемпионати ташкилий қўмитаси бошлиғи Мартин Каллен тадбир бюджетининг дастлабки сарҳисоблари ҳақида баёнот берди. Маълум бўлишича, чемпионатнинг сарф-харажати 147 миллион еврони ташкил этиши кутилаётган экан. Лекин ташкилотчилар навбатдаги чемпионатдан моддий фойда кўриш ҳақида ўйламаяптилар. Чемпионат эса Швейцария ва Австриянинг Базель, Берн, Женева, Цюрих, Инсбурк, Клагенфюрт, Зальцбург ва Вена шаҳарларида ўтказилади. Калленнинг сўзларига қараганда, бу шаҳарларнинг ҳар бири УЕФА томонидан 18,6 миллион евро ва мухлисларни жойлаштириш учун қўшимча 375 минг евродан олар экан. Европа чемпионати учрашувларига сотиладиган чипталар бўйича келадиган фойда эса 138 миллион еврога етиши мумкин. «Европа чемпионатидан ҳеч қандай иқтисодий фойда кўрилмаса-да, уни ажойиб ўтказиш биз учун қувонч бағишлайди», — дейди Каллен.


# АТ «ПАХТА БАНК»ДА

янги **«ҲИМОЯ»**
ҳамда **«ТАЛАБА»**
жамғарма омонат
турлари жорий этилди.

*Омонатларнинг сақлаш муддати 6 ой ҳамда 1 йил бўлиб, исталган вақтда омонатингизга қўшимча қилишингиз мумкин.*

*Ушбу омонатлар бўйича йиллик 18 фоиз даромад тўланади ва Сиз омонат учун ҳисобланган фоизли даромадингизни ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.*

*Ҳурматли фуқаролар, муҳтарам талаба ёшлар маблағингизни ишончли қўлларда сақланг ва кўпайтиринг.*

*Омонатингизни ишончли сақлашга ва кўпайишига кафолат берамиз!*

*Сизларга тезкор ва сифатли банк хизматларини кўрсатишдан бағоят хурсандмиз.*




Омонатга қўйилган маблағингиз «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан ҳам кафолатланганлигини унутманг.

**АТ «ПАХТА БАНК»**
**ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Qo`chqor NORQOBILOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: **Ikromjon ISMOILOV**, **Sobirjon TUNG`ATOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**


**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**


Г — 146
*14282 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5
**Sotuvda erkin narxda**